

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
20 март,
жума
№ 11
(1097)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!
Сиз, азизларни, бутун халқимизни эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат айёми – муқаддас Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шуқуҳли онларда барчамизни мана шундай файзли ва саодатли кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман.

Кейинги йилларда шаклланган аъъаномизга мувофиқ, мамлакатимизда Рамазон ойини муносиб ўтказиш бўйича бу йил ҳам сизлар билан, халқимиз билан биргаликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик.

Аввало, махсус қарор асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги 35 йилда биринчи марта 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, муҳтож

ва кам таъминланган оилаларни кўллаб-қувватлаш, беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 450 миллиард сўм 600 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилга моддий кўмак тариқасида йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий реестрдаги даволаш режалаштирилган 6 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, жумладан, оғир касаллар операция йўли билан даволанмоқда.

Шунингдек, аҳолига 100 минг дона Рамазон совғалари тарқатилди. “Рамазон тухфаси” лойиҳаси доирасида эса эҳтиёжманд оилалар, “Мурувват” ва “Саховат” уйларида яшовчилар ҳамда хориздаги ватандошларимиз учун 30 мингдан ортиқ ифторлик тadbирлари ўтказилди.

Бундай олижаноб ишлар муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислохотларимизнинг улкан амалий натижалари сифатида барчамизни хурсанд қилади.

Азиз дўстлар!
Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янада муҳим босқичига қадам қўймоқда. Кенг қўламли янгиланиш жараёнлари туфайли ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўсиш ва юксалиш суръатлари ортиб бормоқда. Диний-маърифий соҳани ривожлантириш, ислом цивилизациясининг бой меросини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ўтган йили Бухоро шаҳрида тасаввуф таълимо-

тининг ёрқин намоюндаси, буюк авлиё бобомиз Баҳроуддин Нақшбанд ҳазратлари номидаги илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганини эсга олиш ўринлидир.

Бу йил эса, мана шу қутлуғ ва муборак кунларда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилиши халқимизга ўзига хос Рамазон тухфаси бўлди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давоми сифатида калом илмининг султони Имом Мотуридийнинг Самарқанд шаҳридаги мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Тошкент шаҳрида эса, яқин кунларда Халқаро бағрикенглик ва динлараро мулоқот маркази фаолиятини йўлга қўямиз.

(Давоми 2-бетда) ►

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларни намоён этган ҳолда ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир суруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси, 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 392 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 223 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 82 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 34 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Шунингдек, 53 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 3 на-

фарини чет эл фуқаролари, 26 нафарини аёл, 14 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 166 нафарини ёшлар ҳамда 24 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

ИМОМ БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУРДОНАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифининг иккинчи кунини Пайариқ туманида қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасига ташриф бурди.

Зиёратгоҳнинг қоқ марказида буюк ҳадисшунос бобомизнинг табаррук мақбараси ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари мақбарани зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Муборак Рамазон ҳайити арафасида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг руҳи покларига яна бир бор хурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдамиз. Бухорий бобомиз Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манба бўлган ҳадислар китобини яратиш, бутун ислом оламида шухрат қозонган улуг сиймодир. Муқаддас заминимиз дунёга мана шундай машхур алломани бергани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетакрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеига, юксак мақомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлди. Мана шундай табаррук маскан барчамизга муборак бўлсин, — деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-бетда) ►



Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, суд ҳоқимияти органлари фаолиятини молиялаштириш, молиявий хатарлар ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш, саноат хавфсизлиги тизимини мустаҳкамлаш ҳамда креатив иқтисодиётни ривожлантиришга доир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Дастлаб мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда

жамоат тартибини ва фуқаролар оқибатлигини таъминлаш хатти-ҳаракатларини содир этиш, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш, шахснинг ўзи содир этган ҳуқуқбузарлигини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоқларида тарқатиш, шунингдек, ижро ҳаракатлари домида хатланган мулк билан боғлиқ қонунга хилоф ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Рамазон шуқуҳи

Тинчлик, саховат, ва барака айёми



Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари

Байрам кунлари кўча-кўйридан юрганнимизда, олдимиздан чиққан кишиларни таъриқлаб, таниш ёки нотаниш бўлсин, ҳамма билан саломлашамиз. Шу урфимизнинг ўзи билан ҳам жуда катта ажру савобга эришамиз.

Рамазон ҳайити – юртимиз мўмин-мусулмонлари учун катта шодиёна ва хурсандчилик билан нишонланадиган муборак айёмдир. Рамазон ойи давомида тутилган рўзалар, ўқилган таровиҳлар, амалга оширилган хайрли ишлар, берилган саботлар инсонни гуноҳлардан поклаб, кўплаб савоб ва раҳматларга етказди.

Мамлакатимизда бу йилги Рамазон ойи ўзгача шуқуҳда ўтди. Ибодатлар мамнунлик, ҳузур ва шукроналик билан адо этилди, тинчлик ва осойишталик нақадар улуг неъмат экани дунёда бўлаётган нотинчликлар мисолида янада сезилди.

Юртимизда инсон қадрини улуглаш ва жамиятда эҳтиёжманд қатламни кўллаб-қувватлаш борасида ислом динининг олижаноб тамойилларига ҳамоҳанг ра-

вишда Рамазон ойида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Бунга “Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи” шiori замин бўлди. Жумладан, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва беморларнинг даволиниш харажатларини қоплаш учун “Вақф” фонди ва Ижтимоий ҳимоя агентлиги орқали жами 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

(Давоми 3-бетда) ►



Жисмоний тарбия ва спорт жамият саломатлиги, миллат салоҳияти ва мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим соҳалар сирасига киради. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ушбу соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

(Давоми 2-бетда) ►



Орзиқул ҚОЗИХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ҳозир у олиб келган ширинликлар билан чой ичиб, қароватим ёнида ўтирибман. Қаватимиздаги битта санитария хонасидан чорси тахта топиб олганман. Силлик,

ярим квадрат метр келади. Афтидан, биронта шкафнинг эшиги бўлса керак. Стол йўқлиги сабабли қаровотга уни қўйиб, устидан ёзаман. Қулай деб бўлмайди. Лекин ишласа бўлади.

(Давоми 4-бетда) ►

Рамазон шукуҳи

Тинчлик, сажоват, ва барака айёми

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Динимизга кўра ҳам, ўзгаларга ёрдам бериш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш ва меҳр-оқибатли бўлиш чинакам инсоний фазилат ҳисобланади. Зеро, биз яшаб турган дунё имтиҳон дунёсидир.

Ўзидан кейин яхши ном қолдиришни истаган ҳар қандай киши бу дунёда эзгу амаллар, ўзгаларга ёрдам ва наф келтириш билан машғул бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган: **“Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур”** (“Бақара” сураси, 197-оят).

Демак, инсонларга яхшилик қилиш ва уларга манфаат келтириш Аллоҳ

таолонинг розилигига олиб борувчи йўллардан биридир. Шунинг учун нафақат юртимизда, балки хорижда яшаётган юртдошлар учун ҳам кенг қўламли ифторлик ва маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар хорижда меҳнат қилаётган, таълим олаётган ватандошларни бирлаштирди. Уларнинг маънавий ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлади.

Шунингдек, бир қатор тарихий ва маънавий аҳамиятга эга воқеаларга гувоҳ бўлдик. Тошкентда қад ростлаган Ислоҳ цивилизацияси маркази ҳамда Самарқанддаги Имом Бухорий ҳазратлари номидаги ёдгорлик мажмуасининг очирилиши миллий ва диний



ўзлимизнинг тикланиши йўлидаги улкан маънавий зафарлардир.

Шу йил 17 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросими ҳамда ифторликда иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай таъкидлади: **“Албатта, буларнинг барчаси жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш, тинчлик ва умуммиллий бирлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги ифторлик маросимида юртимиздаги турли миллат ва диний конфессиялар намоёндалари иштирок этаётгани ҳам шундан далолат беради”**.

Ҳайит байрами шод-хуррамлик, хурсандчилик қиладиган, ота-она, кексаларни, қариндошларни зиёрат қиладиган, беморлар ҳолидан хабар олинадиган ҳамда садақа ва хайр-эҳсон қилинадиган кундир. Бундан кўзланган асосий мақсад жамиятда бир қадар тенглик пайдо қилиш, ҳар хил тоифадаги одамлар ўртасида илиқ

муносабатларни вужудга келтириш, ислом динининг нақадар инсонпарвар, меҳр-мурувватга тарғиб қилувчи дин эканини намоиш қилиш, қолаверса, закот ва садақа берувчиларнинг молини поклаб, уни талафотдан асраш ва яна ҳам кўпайишига замин тайёрлашдир.

Ҳайит кунлари ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб, бундай деганлар: **“Ушбу кунлар еб-ичиш ва шодланиш кунларидир”** (Имом Термизий ривояти). Шундай экан, мана шундай хурсандчилик кунларини кўтаринки кайфиятда, Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилиб, қалбимиздаги истакларимизни, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини Аллоҳ таолодан сўрасак, иншааллоҳ, эл-юртимиз, хонадонларимиз учун файзу баракалар ёғилади.

Илоҳим, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, хонадонларимизда тўкин-сочинлик, қалбларимизда меҳр-оқибат ва иймон-эътиқод доимо мустаҳкам бўлсин!



Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, бахтли турмуш кечирини ният қилди. Аммо бунинг учун фақат ният ва истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бустонда ҳаёт ҳамisha ҳам рисоладагидек бир текис кечмайди. Бу эса, эр ва хотиндан сабр-тоқатли, аҳлиноқ бўлишни, оиланинг масъулиятини чуқур ҳис этишни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, ўтқинчи келишмовчиликлар боис оилавий муносабатлар боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи Равшан Мухсинов (исм-шарифлар ўзгартirilган) яхши орзу-ният билан Шарофатга уйланади. Орадан йиллар ўтиб, улар ўғил ва қизли бўлишди. Аммо фарзандларнинг дунёга келиши оила риштасини мустаҳкамлай олма-

Турмуш чорраҳаларда

АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

ди. Оиладаги майда-чуйда гап-сўзлар охири-оқибати оилани ажралиши остонасига олиб келиб қўйди. Оила бузилгач, Шарофат анча муддат фарзандларини ёлғиз ўзи тарбия қилди.

Суднинг буйруғига асосан Р.Мухсиновга вояга етмаган фарзандлари моддий таъминоти учун ҳар ойда ойлик ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдориди алимент тўлаш мажбурияти оқлатилган эди. Бироқ у алимент тўлашдан қасддан бўйин товлади.

Ўз навбатида, фарзандлари таъминотидан қасддан бўйин товлаш тегишли жавобгарликни келтириб чиқарди.

Алимент пулларини қасддан тўламай келган Р.Мухсинов суднинг ҳукмига кўра, айбдор, деб топилди.


Аниқроғи, суд фарзандлари таъминоти пажра орасидан қараган отага бир йил бир ой муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Ота-онанинг фарзанд олдидаги мажбуриятдан бири вояга етмаган болаларига таъминот беришидир. Бу мажбуриятни ихтиёрий равишда ба-

жармаган ота қонуний жавобгарликка тортлади. Ҳаётда ўз фарзандлари тақдирига бефарқ қарайдиган оталар учраб туриши афсусланарли ҳолат, албатта.

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги юртининг келажигини белгилувчи омилдир. Шундай экан, муқаддас даргоҳ — оила бутунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой тумани суди судьяси

ва спорт:



янги қонун соҳадаги қамровдор, шиддатли ва изчил ислохотларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Жиноят кодексининг 214¹ ва 214²-моддаларида спорт мусобақаси иштирокчиси томонидан ноқонуний моддий қимматлик олганлик ёки пора эвазига оғдириб олганлик учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур янги нормалар, ўз навбатида, спортда адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Янги нормалар, шунингдек, спортчилар, тренерлар, ҳакамлар ва ташкилотчиларнинг манфаатлар тўқнашуви олдини олиш, бундай ҳолатлар учун ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва спорт ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучай-

тириш ҳамда жамоатчилик онгида ҳалол спорт гоёсини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, янги қонуннинг 18-19-моддаларида Миллий паралимпия кўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, Паралимпия, Сурдлимпия, Махсус олимпия ва Кўзи ожизлар спорти фаолиятига доир масалалар қонун даражасида белгилаб қўйилмоқда.

Бешинчидан, 21–22, 25 ва 26-моддаларда спорт федерацияларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни реестрга кириштириш ва чиқариш мезонлари, шунингдек, спорт клубла-

ри ва спорт лигаларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолият юритиш тартиби белгиланмоқда.

Ҳозирда амалдаги Реестрда 113 та спорт федерацияси киритилган. Жумладан, спорт федерацияси: муайян спорт турини ривожлантириш, спорт тадбирларини ташкил этиш, спортчиларни тайёрлаш ишларини амалга оширади; тегишли спорт турини бўйича халқаро миқёсда Ўзбекистон манфаатларини ифода этади.

Бундан ташқари спорт мусобақаларини ташкил этиш ва бошқариш мақсадида спорт лигалари ташкил қилиниши мумкинлиги ҳам назарда тутилмоқда.

Олтинчидан, 35 – 37-моддаларда тренер, спорт ҳаками ва спорт агентининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Бундай янги нормаларнинг қонунда ақс этиши, тегишли спорт субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланишига, амалиётдаги айрим ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилишига хизмат қилади.

Еттинчидан, ушбу янги қонунда Миллий антидопинг агентлигининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда, шунингдек, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тартиби такомил-

лаштирилмоқда (38-40-моддалар). Янги нормалар мазмунига кўра, Миллий антидопинг қоидаларини Бутунжаҳон антидопинг кодекси асосида тасдиқлаш, антидопинг қоидаларини бузганлик учун қўллангандан дисквалификация, мусобақадаги натижаларни бекор қилиш ҳамда терма жамоалардан четлатиш каби чоралар белгиланмоқда.

Саққизинчидан, 42-моддада корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, яъни иш берувчилар ходимларининг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиши кўзда тутилмоқда.

Тўққизинчидан, 8-14-моддаларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат органларининг қўшимча ваколатлари белгиланмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, Спорт, Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳага оид ваколатлари янада аниқлаштирилмоқда.

Янги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати давлат томонидан спортчи ҳамда тренерларга бир марталик ва ойлик тўлов – стипендия, нафақа ва бошқалар шаклидаги қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилиши мумкин-

лиги қайд этилмоқда. Ушбу норма давлатнинг спорт соҳасида инсон капиталига устувор эътибор қаратаётганини ифодалайди ҳамда спортчилар, тренерларнинг меҳнатини моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ушбу янги қонун билан амалдаги қонуннинг 40 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек, 10 га яқин янги тушунча ва соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирини назарда тутувчи 18 та янги модда қўшилмоқда.

Янги қонунни тайёрлашда Хитой, Франция, Германия, Италия, Испания, Венгрия, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид қонунчилиги қиёсий ўрганиб чиқилган.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун соҳани янада ривожлантиришга, жисмоний тарбия ва спортга оид муносабатларни тизимли ташкил этишга, бугунги кунда амалиётда мавжуд бўлган айрим ноаниқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга, вазирлик ва идораларнинг ҳамда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг соҳага оид вазифалари аниқ белгилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтириш йўлида суд-ҳуқуқ соҳаси вакилларининг фидойи фаолияти муҳим ўрин тутаяди. Ана шундай фидойи инсонлардан бири, узок йиллар суд-ҳуқуқ тизимида самарали фаолият юритган, мамлакатимизда адолат ва қонунийликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган суд фахрийси, айни кунларда кутлуг 75 ёшни қарши олаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Дилбар Муродовадир.

Кутлов

Адолатга садоқат — ҳаёт мазмуни

Устоз Дилбар опанинг суд-ҳуқуқ тизимидаги кўп йиллик фаолиятига назар ташлаганда, беихтиёр кўпчиликнинг ёдида муҳрлиқ қолган воқеалар ёдга тушади.

Д.Муродова 1989 йилда Чироқчи тумани прокурори лавозимида фаолият юритган даврда аҳоли ўртасида ер масаласида катта жанжал келиб чиқади. Бундай қалтис вазиятда Д.Муродова ҳақиқий фидойилик намунасини кўрсатади.

У туман прокурори сифатида зудлик билан воқеа рўй берган жойга етиб боради ва одамлар билан юзма-юз суҳбатлашади, уларга қонун талабларини батафсил тушунтиради ва низони тинч йўл билан ҳал қилишга муваффақ бўлади.

Ушанда Д.Муродова фидойилик намунасини кўрсатмаганда, бу низо оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Яна бир мисол: 1994 йилнинг баҳор ойларида Китоб туманининг юқори тоғли ҳудудида жойлашган Жовуз қишлоғининг ярмини, тахминан, 2 минг хонадонни кўчки босиб қолади.

Фавқулодда вазият юзага келганлиги боис, қишлоқ аҳолисини хавфсиз ҳудудга қўчириш ҳақида қарор қабул қилинади. Уша пайтда Китоб тумани судининг раиси лавозимида фаолият юритган Дилбар Муродова тезда хавфли ҳудуд — Жовуз қишлоғига етиб келади ва уйма-уй юриб, ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб боради. Аҳолининг тезкорлик билан кўчирилиши эвазига кўплаб одамлар ҳаёти сақлаб қолинади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳаёт осон кечмади, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши, диний-экстремистик оқимлар хуружи каби иллатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлардан улкан масъулият, мустаҳкам ирода ва юксак касбий маҳорат талаб этарди. Дилбар Муродова ана шундай мураккаб ва



синовли даврда мамлакатимиз суд тизимида хизмат қилар экан, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ўта оғир жиноятларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлашда алоҳида фидойилик кўрсатди.

Дилбар опа ҳалоллиги, адолатпарварлиги ва юксак касбий маҳорати билан ҳамкасблари ва жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонди.

Устознинг фидойи меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга 1994 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони берилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Чунончи, малакали ҳуқуқшунос Дилбар Муродованинг ҳаёт ва фаолият йўли қонунга садоқат, адолатга хизмат ва халқ манфаати йўлида фидоикорона меҳнат намунасида. Бундай инсонлар фаолияти жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади ҳамда ёш авлят учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Камтарин инсон, тажрибали ҳуқуқшунос устозимизнинг шарафли ва ибратли ҳаёт йўли биз учун, келажак авлод учун ҳамisha ўрнак бўлиб қолади.

Эркин АБЗАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
фахрийси,
3 даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси

Жиноятга жазо муқаррар

Фирибгарликка етаклаган қизиқиш

қонуний жазо билан яқун топди

Афсуски, сўнги йилларда фирибгарлик жиноятининг кўлами кенгайиб, турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, онлайн фирибгарлик аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Бунга эса, бир жиҳатдан, жабранувчиларнинг ҳушёрлик ва огоҳликни унутиб қўётгани ҳам сабаб бўлаётир.

Шўрчи туманида яшовчи, 2008 йилда туғилган Ўрмон Мамедов (исм-шарифлар ўзгартirilган) 2025 йил 26 сентябрь куни Тошкент шаҳрида таниши, қўшни маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳожиахрор Тойировни учратиб қолади. Улар биргалликда интернет орқали пул ишлаш мақсадида “Телеграмм” ижтимоий тармоғида “Мухсин Ражабов” номли профилдан фойдаланган ҳолда “Акам бўласиз” номли

гурӯҳ очади. Сўнг фуқароларга “Комбайт” автомашинаси ютиб олганлиги, боғланиш учун телефон рақам қолдириш лозимлиги ҳақида хабар юбора бошлайди. Тўғри, авлувчи Ҳожиахрор Тойировни учратиб қолади. Улар биргалликда интернет орқали пул ишлаш мақсадида “Телеграмм” ижтимоий тармоғида “Мухсин Ражабов” номли профилдан фойдаланган ҳолда “Акам бўласиз” номли

(Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қоғозларни олдимиға қўйиб, қўлимга қалам олдими. Фикрларим равшан, кўнглим тинч. Шундан бўлса керак, энг аввало, қизимни ўйлаб кетдим. Кеча туғилган кунига биринчи марта ҳеч нарса соға қилмадим. Опаси Москвадан жўнатган нарсалар ўз йўлига. Мен ўз қўлим билан унга бирон нарса олиб беришим керак эди. Дарвоқе, эсимга тушди. Москвага жўнаётганимда унга янги автомат ручка ва шундай автомат қалам бердим. Мабодо туғилган кунинггача қайтмасам, дедим. Оғзи қулогига этиб жилмайди. Ўзингиз ишлатинг, деди. Мен жавоб бермай, бошидан ўйдим.

Шуларни ўйлаб кетиб, унинг болалигида берган бир саволи эсимга тушди: «Ада бувам, бувимлар ҳақида, ўзингизнинг болалигингиз, опамлар ҳақида гапириб беринг, ҳеч нарса билмайман», деб сўраган эди у. Ушанда хўп, деб қулиб қўяқолган эдим. Шунчалик уйда кам бўлардим, ўтмишни эслашга вақт бормиди у пайтлари? Мана энди, назаримиз, шундай вақт келди. Албатта, қизимни ёнимга ўтқазиб, гапириб бериш имкониятидан ҳеч халға келмаган касаллик оқибатида маҳрумман — овозим йўқ. Даволинидан бўш вақтларим фақат ёзишим мумкин. Аммо кимёвий дори, нурланиш бошни айлантириб, кўнглини ағдарар экан, лоҳас қилиб, анчагина бўшаштириб қўяр экан. Ўзимга келган дақиқаларда, даволини бўлмаган кунлари ўтмишдан эсимга тушганларни, майли, ёзай. Шу мандан қизимга эсдалик бўлсин. Бобоси, бувисининг ҳаётлари билан, опаси ва менинг ёшлигим билан, оз бўлса ҳам, танишим. Бафуржа ёзишга қўлим етмайпти. Сезишимча, вақтим кам, кейин узоқ йилларни қайта эслашга шароит йўқ. Аммо қўлимдан келганича уриниб кўраман. Аммо ёзганларимни ҳозир жўнатмайман. Тўзалиб кетсам, ўзим олиб бориб қўлига бераман. Тузалмасам... опаси — Зухра олиб кетади...

Умиди, қизим, сени ўйлаб ёзаяман. Ўқи, ота-боболаринг кимлиги билан таниш.

5

Мен, асли, тошкентликман. Ҳовли-



Тарих тилсимлари

Қизимга мактублар

миз Тошкентнинг ҳозирги «Россия» меҳмонхонаси билан вокзалга борадиган трамвай йўли ўртасида бўлган. Мен шу ерда туғилганман. Ҳовлимиз катта, йигирма сотихча келарди, бундан ташқари олти сотих атрофида болохонали молхонамиз ҳам бор эди. Молхонага алоҳида эшикдан кириларди, кўзга унча ташланмасди.

Ўша пайтлари бизнинг ҳовлимиздан Миробод маҳалласининг шимол томони бошланган. Чунки биздан юқорида атиги икки хонадон бўлиб, улар Шота Руставели ва Саперная кўчалари туташган жойга бориб тақаларди. Ҳозирги девор қўшнимиз Ғайрат аканг ана шу бизнинг юқоримиздаги уйлاردан бирида туғилган. У ерда ҳам биз девор қўшни эдик.

Шимолдан пастрга қараб кетган, кетма-кет тушган уйларида, асосан, қариндошларимиз яшашарди. Улардан кейин рус кўралари бошланарди.

Бобонг — менинг отам Раҳимбек аканинг уч акаси ва бир опаси борлигини биламан. Дадамнинг энг катта акалари Каримбек полвонни кўрмаганман. Айтишларига қараганда, баланд бўйли, елкадор, жуда келишган одам бўлган. У кишининг ўғли Турғунбек акани кўп кўрганман, кўп у билан бирга бўлганман. Баланд бўйли, мўйловдор, овози уйни

титратадиган одам эди. Унга қиёс қилса, албатта, отаси — Каримбек полвон ҳам шундай одам бўлган.

Дадамнинг ундан кейинги акаси Бобобек полвон эди. Эсингдами, опанг жуда кўп марта Чилонзорда яшайдиган Раҳима амманга телефон қиларди, унга зарур дорилар топиб бериб турарди. Бобобек полвон ана шу Раҳима амманнинг адаси, мен уни эс-эс биламан. Урушдан олдин қазо қилиб кетган. Уни кўмиш маросими ҳам эсимда. Одам жуда кўп бўлган. Тошкентдаги полвонлар, айтишларича, Фарғона водийсидаги полвонлар ҳам у билан видолашгани келишган.

Ҳақим полвон дадамнинг энг кичик акаси эди. Дадам, Бобобек амакимдан кескин фарқ қиларди. Кўк кўз эди. Бундан ташқари дадам катта амакимлардек тўла эмас, баланд бўйли, қотма эди. Лекин ундан ҳам тошкентлик кўп полвонлар йиқилишган, деб айтишарди. Амакиларим, дадамнинг бирон марта ҳам кураш тушганини кўрмаганман. Лекин, айтишларича, Паркент, Пискент, Бўка, Тошкентнинг ўзида анчагина обрўга эга бўлган полвонлардан эканликларини кўп эшитганман. Уйда моддий тақчиллик юз бериб қолса, улар жума кунлари курашга бориб, этак-этак пул ишлаб келишар экан.

Зулфия аммам Бобобек амакимдан кичик. Ҳақим амаким ва дадамлардан катта эди. У киши ҳам худди ака-укалари сингари баланд бўйли, қирра бурун, бақувват, полвонсифат аёл эди. Кўзлари ҳам буй-бастига яраша йирик эди. Биз болалар ноҳўя иш қилиб қўйсақ, у бир олайиб қараса, тирақайлаб ҳар чеккага қочиб кетардик. Аммам бир қарашда дағал, кўпол кўринсалар ҳам, диллари бўш, салга кўзлари намланадиган, аммо тез ўзларини тўтиб оладиган аёл эдилар. Катта ва кенжа ўғиллари билан қўш ҳовлини уч ҳовли уйда турардилар. Уртанча ўғиллари Миробид ака ўқитувчи, ҳозирги «Пахтакор» стадиони тушган Эгарчи маҳаллада яшарди. Миробид бозориди қарчилиқ сабабли сабзавот сотиб кун ўтказадиган Яққасарой маҳалласининг обрўли кексаларидан, қариндошимиз Тулаганбек амакимнинг қизларига уйланган эди. Дадам қариндошлари Эгарчи, Ўқчи ва Миробид маҳаллаларида, оймнинг авлодлари эса, Тезеков бозорининг орқаси Яққасаройга туташ Дамарик, Қўшбеги, Қўмарик маҳаллаларида узоқ-узоқ даврлардан бери ҳовли-жой қилиб келишарди.

Катта амаким билан аммамнинг нима иш билан шуғулланишгани, тиркчиликлари қандай ўтганини яхши билмайман. Аммо Ҳақимбек амаким мол-мулки ажратиб олинди, қулоқ қилинган, Украинанинг Николаев шаҳрида ўн йилча бўлганини биламан. Амакимнинг ўзлари айтиб берадилар. Битта кўрпа, иккита ёстиқ, тунука чойнак билан тўртта пиёлани кўлларида тутқазиб, вокзалга ҳайдашарди. Хотинлари, катта ўғиллари Юсуфбек, иккита қизлари билан қизил юк вагонда Украинага жўнаб кетганлар.

Амаким русча, украинча яхши гапирарди. Сургунда албатта, анча қийналган. Лекин унинг бахтига Николаев шаҳрининг об-хавоси Тошкентникига ўхшар экан. Тезда кўникиб, аввал битта чайла, кейин бир хонали лўмбоз уй куриб олган. У украинларни жуда ҳурмат қиларди. Уни ёлғизлатиб қўйишмаганини, кечалари сут, ёғ, нон олиб келиб, ундан хабар олиб туришганини кўп гапирарди.

(Давоми келгуси сонда)

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Кўпинча йўлларда баъзи пиёдалар белгиланмаган жойлардан ўтаётганига қўзимиз тушади. Бу хатти-ҳаракатлар учун пиёдаларга нисбатан ҳам қонунда бирон-бир жавобгарлик белгиланганми?

Р. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри



— Ҳа, амалдаги қонун талабига кўра, пиёдалар ҳам йўл ҳаракати иштирокчиси ҳисобланади ва улар йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиши шарт. Агар пиёда йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаса ёки йўлнинг қатнов қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтса, бу маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасига мувофиқ, пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, таққилоччи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари тағайинланган жойлардан кесиб ўтиши, йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, йўл устида китоб ёки

даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек, эътиборни чаққатадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши, скутерлар, мопедлар ва велосипедларни, индивидуал ҳаракатланмиш воситаларини, уловли арава-ни бошқариб бораётган шахсларнинг ҳамда йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, таққилоччи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари тағайинланган жойлардан кесиб ўтиши, йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, йўл устида китоб ёки

— Айтинч-чи, қарздор суд ёки бошқа органлар томонидан берилган ижро ҳужжатини ўз вақтида бажармасан, унга нисбатан қандай жавобгарлик чоралари қўлланилади?

Б. КОМИЛЖОНОВА,
Фарғона вилояти



— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш кераки, агар қарздор ижро ҳужжатида қўрсатилган талабни давлат ижрочиси томонидан иштиёрий равишда бажариш мумкин бўлганда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра, ижро этилмағуси ёки қарздорнинг зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш ёхуд бу ҳаракатларни бажаришдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатининг давлат ижрочиси белгиланган муддатда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра, ижро этилмағуси — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу моддага асосан, солинадиган маъмурий жариманинг суммаси ижро ҳужжатида ўндирлиши белгиланган суммадан ошиши мумкин эмас.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди судьяси Б. БАХРИНОВ жавоб берди.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Чунки С.Абдусалимов илгари Россияда ишлаган кезларида бир неча таниши шу каби ўйинларда автомашина ютганини кўрганди. Бинобарин, телефон рақамини ёзиб жўнатади. Кўп ўтмай, Ўрмон билан Ҳожиахрор унга кўнги-роқ қилишади.

— Эллик минг кишининг орасидан ютуқ сизга насиб этди, — дейишади улар С.Абдусалимовни янада қизиқтириб.

— Раҳмат, хурсанд бўлдим, — дея миннатдорчилик билдиради соддадил С.Абдусалимов.

— Фақат қирқ дақиқа ичида бизга тўрт ярим миллион сўм ташлаб беришингиз керак. Сўнг жамоамиз билан бирга уйингизга бориб, ютуқни топшириб келамиз, — дейди Ў.Мамедов. — Агар рад қилсангиз, ютуқ сиздан кейинги тўрт кишидан бирига ўтиб кетади.

С.Абдусалимов уларнинг сўзига лаққа ишонгани ва таниш-билишларидан қарз-ҳавола қилиб, 4.500.000 сўмни Ў.Мамедовнинг опаси номидаги пластик картага юборди. Қолаверса, «Фарзандим вафот этиб, худо мени синадди. Мана энди ота-онамни «Умра»га жўнатдим. Бу машина ҳам Яратганининг синовларига қилган сабрим эвазига берилган муқофотлардан биридир балки» деб ўйлайди у.

Шундан сўнг устаси фаранг фирибгарлар унинг номига ёзилган автомашина шартномасини телеграм орқали юборишади. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун эса яна 5.698.420 сўм зарурлигини айтишади. Хурсандлигидан оғзи қулогига юрган С.Абдусалимов айтилган пулни яна бир таншишининг

пластик картасидан аввалги рақамга ўтказиб беради.

— Ҳамма масала ҳал бўлди. Ҳозир сизга аукционда сотиладиган учта машина рақамини юборамиз, улардан

Унинг аҳволини кўрган отасининг эса, қон босими кўтарилиб кетади. Устига-устак, хомилдор аҳволдаги турмуш ўртоғининг соғлиги ҳам ёмонлашиб қолади. С.Абдусали-

ровга нисбатан жиноят иши кўзга тилинади.

Тергов-суриштирув жараёнлари якунланганда, мазкур иш жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани судида

жиноят қуроли деб топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 563-моддасига асосан, воғга етмаган Ў.Мамедов ва Ҳ.Тойировга жамоат тарбиячиси тайинлаш ҳамда танлаш масаласини ҳал қилиш Болалар масалалари бўйича Шўрчи тумани комиссияси зиммасига юклатилди.

— Ота-онам ва аёлнинг соғлиги ёмонлашиб, мен жуда оғир аҳволга тушдим. Шунинг учун судланувчилардан менга етказилган маънавий зарарни ҳам ўндириб беришингизни сўрайман, — деди С.Абдусалимов суд мажлисида.

Суд унга айна масалада зарур ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик тартибиди судга даъво кириштириш ҳуқуқини тушунтирди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ота-оналарнинг воғга етмаган фарзандларини назоратсиз қолдириши ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга йўл очади. Шу маънода, Шўрчи туманидаги мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ўрмон Мамедов ва ихтисослашган мактабнинг 2-босқичида таҳсил олаётган Ҳожиахрор Тойировнинг дарсга қатнашмай, пойтахтга кетиб қолганини қандай тушуниш мумкин? Нега ота-оналар ва таълим муассасаларининг масъуллари бунга йўл қўйишди?

Умид қиламизки, тилга олинган жиноят бошқа ота-оналар ҳамда воғга етмаган шахслар тарбиясига масъул ҳодимларга сабоқ бўлади.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани суди раиси



Жиноятга жазо муқаррар

ФИРИБГАРЛИККА етаклаган қизиқиш

Қонуний жазо билан якун топди

бирини танлайсиз, — дейди фирибгарлар.

Дарҳақиқат, С.Абдусалимов улар юборган автомашина рақамларидан бирини танлайди. Автомашина рақамини учун уларга яна 1.565.500 сўм тушириб беради.

Бироқ орадан бир-икки соат ўтиб, улар билан ёзишган профил ўчиб кетади. С.Абдусалимов бундан ажабланиб, кўнгироқ қилади. Лекин фирибгарлар аллақачон унинг телефон рақамини қора рўйхатга кириштириб қўйишганди.

Буни кўриб, С.Абдусалимов ўзини йўқотиб қўяди.

мов таниш-билиш ва қариндош-уруғларининг орасида изза бўлишини ўйлаб, баттар эзिलाди.

Эртаси кун С.Абдусалимов худуд профилдаги инспекторига учрашиб, вазиятни тушунтирган ҳолда ёрдам сўрайди. Натижада инспекторнинг ёрдами билан Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасига мурожаат қилади.

Буни қарангки, вилоят ИИБ киберхавфсизлик бўлими тезкор ходимлари бир ҳафтага қолмай, жиноятчиларни топди. Ў.Мамедов ва Ҳ.Тойи-

кўриб чиқилди. Унгача судланувчиларнинг яқинлари жабрланувчига етказилган зарарни қоплади.

Шу боис суд икки судланувчини Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбдор деб топиб, уларга мазкур кодекснинг 82-моддаси тартибиди жарима жазоси тайинлади.

Қолаверса, Жиноят процессуал кодексининг 203-моддаси тартибиди судланувчилар ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқот жараёнида фойдаланилган «Samsung Galaxy S+» телефона аппарати

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Дарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatla@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-315 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6540
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 22⁰⁰.